

ЯНГИ ЗАМОН, ЯНГИ МАКОН ШУКУХИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 27 октябрдаги 02-3041-сон билан тасдиқланган “Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка “маҳаллабай” етказишни ташкил этиш чоратадбирлар тўғрисида”ги 7 сонли мажлис баёнида кўзда тутилган ишларни бажариш мақсадида ҳудудларда “Янги Ўзбекистон - янгича дунёқараш” мавзусида тадбирлар ташкил этилмоқда. ТИҚҲММИ Гидравлика ва гидроинформатика кафедрасининг бир қатор профессор-ўқитувчилари жорий йилнинг 16 ноябрь кунида Ўрта Чирчик туманидаги “Ким Пен Хва” МФЙ худудидаги 59 умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилган тадбирда иштирок этдилар. Тадбирда, Ким Пен Хва маҳалласи аҳолиси вакиллари, нуроний отахон ва онахонлар, туман ҳокимлиги вакиллари, хотин-қизлар кенгаши аъзолари, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари, ҳамда бир қатор фаоллар қатнашдилар. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси билан бошланди. Тадбир ўта кўтаринки кайфиятда ва карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда ўтказилди. Тадбирнинг очилишида “Гидравлика ва гидроинформатика” кафедраси мудири, проф. А.Арифжанов сўзга чиқиб юртимизда кейинги йилларда олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий соҳалардаги ислоҳотларнинг туб моҳияти ҳақида тадбир иштирокчиларига яна бир бор гапириб ўтдилар. Маърузачи кейинги йилларда юртимизда кўпгина соҳаларда қўлга қиритилаётган улкан ютуқларга алоҳида-алоҳида тўхтаб ўтди. Тақдимот билан бойитилган ушбу маъруза тингловчиларда катта таассурот қолдирди.



Тадбирда 59-мактаб директори Б.А.Имарова, Ким Пен Хва МФЙ раиси Л.А.Шинлар ҳам ўз маърузалари билан иштирок этишди. Тадбир бадиий қисмга уланиб кетди. Бадиий қисмда Ўрта Чирчик тумани бадиий ҳаваскорлари ва 59-мактаб бадиий тўғаракларининг иштирокчилари ҳамда бир қатор спортчи ёшлар ўз чиқишлиари билан йиғилганларни хушнуд қилдилар. Тадбирда ўзбек, қозоқ, тоҷик, рус, қирғиз, қорақалпоқ, корейс ва бошқа бир қанча миллат вакиллари иштирок этиб, ўз она тилларида куй, қўшиқлар ижро этиб, шеърлар ўқидилар. Тадбирда “Билимдон- зукколар” беллашуви ўтказилди. Беллашув ғолибларига ва тадбирнинг фаол иштирокчиларига турли-хил эсдалиқ совғалари улашилди. Тадбир жуда кўтаринки руҳда ва юксак савияда ўтказилди.



ТИҚҲММИ матбуот хизмати